

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 1014-ҳадис

1014 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ حَسَنَةٌ، وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا، لَا أَقُولُ: {أَلْم} حَرْفٌ، وَلَكِنْ: أَلِفٌ حَرْفٌ، وَلَا م حَرْفٌ، وَمِيمٌ حَرْفٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [2910].

1014. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса (номаи аъмолига) битта яхшилик ёзилади. Ҳар бир яхшилик ўн баробар мислича қилиб берилади. Мен «Алиф, лом мийм»ни бир ҳарф демайман. Балки «алиф» бир ҳарф, «лом» бир ҳарф ва «мийм» бир ҳарфдир», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисга кўра, Аллоҳ таоло Қуръони каримни тажвид қоидаларига амал қилиб тиловат қилувчи қорига ҳар бир ҳарфни ўқигани учун ўнта савоб ва яхшилик ато қилади.

Бу ерда Аллоҳнинг китобини тиловат қилиш фазилатли амаллардан бўлиши айтилмоқда. Аллоҳ таоло бандаларига Ўз китобини ўқиш орқали кўп ажр ва мукофатларга эришиш имкониятини берган. Бу имкониятдан ҳар биримиз унумли фойдаланишимиз керак. Бунинг учун Қуръони каримни ўқиш қоидалари ҳисобланмиш тажвид илмидан дарс қилиш ва уни пухта ўзлаштириб олиш керак.

Қуръони каримнинг ҳар бир ҳарфини ўқиш орқали ўнта савоб олиш учун Каломуллоҳни тажвид қоидаларига мувофиқ холда қироат қилиш талаб этилади. Қуръон маъноларининг бошқа тилларга қилинган таржималарини ўқиш ҳам савобли иш, лекин ҳадисда келган ваъдалар айнан тажвид илми талабларига мувофиқ холда, соф араб тилида тиловат қилган кишиларгагина тегишлидир.

Бу ҳадиси шарифда Қуръони Каримнинг қироати битмас-туганмас савоб манбаси экани баён қилинмоқда. Умумий қоидага биноан ҳар бир савоб ўнга кўпайтирилиб бериларди. Бундан Қуръони Каримнинг ўқиган одам учун ҳар бир ҳарф ўқиганига ўн савоб берилиши келиб чиқади. Бунинг ҳаммаси Қуръони Каримнинг чексиз фазлга эга бўлганидандир.

Манба: hadis.islom.uz

